

Ўзбек адабиёти бой тарихли, бу—ўзбек халкининг маънавий фахри. Унинг ажойиб намуналаридан бошка миллатлар ва элатлар ҳам бахраманд. Бу адабиётнинг турлари ва жанрлари хакида ранг-баранг кузатишлар, тадқиқотлар олиб борилган. Кейинги йиллардаги ўзбек насрини кузатиш ҳам хар жихатдан марокли ва кизикарли. Соханинг китобхонлар диккатини тортадиган томонлари жуда кўп. Аввало шуни таъкидлаш ўринлики, кейинги авлод адиблари ҳам ўз даврини бойитишга салохиятли хикоялари, киссалари, романлари билан хисса кўшмоқда. Хозирги ўзбек насрини Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзамов, Хайриддин Султонов, Назар Эшонкулов, Тогай Мурод, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шойим Бўтаев сингари бир катор ёзувчиларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг хар бири ўз услублари билан шаклланиб, китобхонларнинг эътиборига тушган.

Ёзувчи Тогай Мурод ижодининг айрим кирраларини баҳоли кудрат кузатишга жазм киламиз. Унинг ижоди хусусида етарли тадқиқ олиб борилган деб бўлмайди. Адабиётшунос олимлардан Озод Шарафқадинов, Иброҳим Гафуров, Абдугофур Расулов, Умарали Норматов, ёзувчилардан Пиримкул Кодиров, Одил Ёкубов, Саид Аҳмад ва бошқаларнинг мақола, тақризларида Тогай Мурод ижоди хакида самимий фикр-мулоҳазалар бор. Аммо унинг киссалари, хикоялари, романлари борасида хали йирик тадқиқотлар яратилмаган. Энг мухими шуки, ёзувчи асарлари ўзбек китобхонларининг эътиборини қозонди, кизикишини орттириб борди. Тогай Мурод «Ўзбек адиблари» номли китобда «ўзбек миллий адабиётининг ноёб вакилидир» деб таърифланади. Бу баҳонинг бежиз эмаслигига кўшиламиз. Унинг яратган асарлари, бу асарлардан келиб чиқадиган таассуротлар шундай дейишга асос беради.

Тогай Мурод Сурхон воҳасида, Деновнинг Хўжасоат кишлогига тугилди. Маълумки, Сурхондарё вилояти ўз табиий урф-одатларига, удумларига, анъаналарига, шеваларига бой. Бу юртда «Алпомиш» сингари халқ эпослари дунёга келган. Бахшилари, олимлари кўп бўлган. Шўро замонида бой тарихидан халқ тамомила узоклашиб кетмаган. Кўп авлодлар шу маънавий хазина таъсирида камол топган. У ердан етишиб чиққан Шукур Холмирзаев, Теша Сайдалиев, Усмон Азимов, Рўзи Чориев, Эркин Аъзамов, Мирзо Кенжабек, Шафоат Раҳматуллаев, Сирожиддин Саййид сингари ижодкорлар асарларига воҳанинг ўзига хослиги, миллий таровати канчалик кўчганлигини хис этса бўлади.

Кишлогидаги мактабни тугатиб, Тогай Мурод Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кирди. 1972 йилда дорилфунунни тугатди. Сўнгра Ўзбекистон радиосининг «Ватандошлар» редакциясида, 80-йилларгача эса «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасида ишлади. 1982— 1984 йиллар мобайнида «Фан ва турмуш» журналида бўлим муҳаррири бўлди. Сўнг Москвада Жаҳон Адабиёти институтида ўқиб кайтди.

1976 йилда Тогай Мурод биринчи диккатга сазовор асарини — «Юлдузлар мангу ёнади» киссасини эълон қилди. Шу асаридаёқ адабиёт ахлининг эътиборини тортди. 1979 йилда эса иккинчи киссасини чиқарди. Бу кисса «От кишнаган окшом» деб аталар эди. Киссалари китобхонларга жуда маъқул келди, ёзувчидан катта умид борлиги аён бўлди.

Тез орада бу амалга ошди. «Ойдинда юрган одамлар» (1980 йил) киссаси ёзувчи Тогай Муродга шухрат келтирди. 1985 йил унинг «Момо ер кўшиги» деб номланувчи киссаси босилди. Албатта, шу йиллар мобайнида у журналистлик билан ҳам машгул бўлди. Маколалар ёзди. Булар эътиборни унчалик тортган эмас, лекин матбуотда катор хикоялари билан кўриниб турди. Беш-олти йил мобайнида (1986 —1992 йилларда) «Отамдан колган далалар» романи устида ишлади.

Тогай Мурод истеъдодли таржимон ҳам эди. Жахон адабиётининг баъзи намуналарини ўзбек китобхонлари унинг таржимасида ўқишади. Э. Сетон-Томпсоннинг «Ёввойи йўрга» ва катор хикояларини Тогай Мурод таржима килган.

Тогай Мурод ижодига эътибор берганлар, табиийки, унинг хамма асарларига хос бўлган умумий, ўхшаш фазилатларга дуч келади. Асарларида ўзбек меҳнатсеварлиги, самимийлиги, меҳр-окибатлилиги, фидокорлиги, адолатли ишлар йўлидаги жонбозлиги ўзигагина хос кўтаринки руҳда талкин этилади. Ёзувчи қахрамонларини холислик, бегаразлик билан, жуда хаётий акс эттиришга ҳаракат килади. Қахрамонларининг деярли хаммаси кишлокларимизнинг олижаноб одамлари — замондошларимиз. Кўз олдимизда ўзимизга кўнгли якин бўлган кишиларнинг киёфаларини жонлантиради. Уларнинг дард-изтиробларига, қувонч-ташвишларига шерик бўламиз. Биргаликда улар билан қайгурамиз ва шодланамиз. Халкимиз орасида Тогай Мурод тасвирлаган каби замондошларимиз борлигидан фахрланамиз. Хаётимизда, турмуш йўлимизда у тасвирлагандек нопоклар ҳам, галамислар ҳам, адолатсизлик ва риёкорлик ҳам учрашини хис қилиб, улардан нафратланамиз.

Хамма асарлари ҳам хаяжон багишлайди. Тасвирнинг ҳеч бир жойида бизни ўраб турган табиатдан, воқеликдан йироклашиб кетмайди. Биз нафас олаётган муҳитнинг кўринишларини акс эттиради. Атрофимизга зийракрок назар солишга, воқеалар моҳиятини чуқуррок англашга, тажриба орттиришга, яшашимиз маънисини яхширок хис қилишга чорлайди ёзувчи. Тогай Муроднинг ёзувчи сифатида хаётдаги ўз қахрамонлари, ўз мавзулари, ўз фалсафаси бор. Унинг қахрамонлари биз билан бирга яшаб турган оддий кишилар бўлиб чиқади. Нега уларни сезмаган эканмиз, деб қоламиз асарни ўқигач. Мавзулари бизни ўйлантирган муаммолар, халкимизнинг кўнглидаги орзу-умидлар. Кисса ва хикояларидан қандайдир хаётий қонуниятларни, табиийликни, фалсафий ҳулосаларни тушуниб етамиз. Ёзувчининг фикр-ҳулосаларига, асарларидан келиб чиқадиган гояларга жуда-жуда кўшилгимиз келади. Энг яхши қахрамонлари билан якин бўлиб қоламиз. Гўё бу қахрамонлар, мавзулар, гоялар Тогай Муроднинг ёзиши учун мавжудлангандек туюлиб кетади. Таникли адабиётшунос олим Иброҳим Гафуров Тогай Мурод сингари бир катор ёзувчилар ижоди ҳақида тўхталиб, улар ижодининг умумий ва алоҳида томонларини баён қилган эди:

«...Улар ўз темаларини, хаётни ёритиш услуб, йўсинларини топиб олганлар. Уларнинг ижоди ўзига хос йўллардан ўсиб бораётганлигини ҳеч қим инкор этмайди. Кейинги йиллар ичида уларнинг асарлари ва яратган қахрамонлари, услубий изланишлари хусусида бўлиб ўтаётган кизгин бахслар ва уларда очилаётган адабий ҳақиқатлар шундан далолат бермоқда. Улар адабиётимизга виждони галаёнда бўлган инсон образларини олиб қиришга интилмоқдалар. Бу йўлда уларнинг ютуқлари ҳам,

йўқотишлари ҳам оз эмас... Тогай Мурод ўз чиқишларидан бирида бадиий адабиёт — инсоншунослик, проблемашунослик эмас, деган фикрни айтди. Бу фикрнинг ҳеч қандай зарарли жойи йўқ. Лекин инсоншуносликнинг ўзи асли проблемашуносликдир. Зотан, ҳар бир инсон ҳали ечилмаган, зиддиятларга тўла бир муаммо» (Иброҳим Гафуров. Ўттиз йил изхори. Т., 1987, 270-бет).

Тогай Муроднинг қахрамонлари бадиий тадқиқотга ўхшайди. У яратган образлар ички-маънавий олами билан ўзига ром қилади. Психологик жihatдан кишини ишонтиради. Қахрамонларнинг хатти-харакатига шубҳаланиб қарамаймиз. Худди шундай бўлади ва бўлиши табиий деб ўйлаймиз. Шунингдек, ҳаётимиздаги лоқайд ёхуд безовта идроклаб юрганимиз муаммоларга рўпара бўламиз. Уларни ёзувчи билан, қахрамонлар билан биргаликда ҳал қиламиз.

Тогай Мурод асарларининг бошқа ёзувчилар асарларига ўхшамай турадиган томонлари кўп. Ёзувчининг услубида, асарининг тилида буни илгаш осон. Асарлари шеърга ўхшаб кетади. Лекин шеърдаги каби вазн, кофия, шеърининг инверсия, шеърининг ташбеҳлар унда йўқ. Жумлалари қисқа, халқ тилига яқин, шеърдаги каби товуш ва сўзлар такрори кўп. Бахшиларнинг содда баёнига ўхшатса бўлади буни. Яна бир томони шундаки, миллий урф-одатлар, расм-русумлар, маколлар, сўзлашиш тарзи сурхондарёча йўсинда намоён бўлади. Бутун тасвир ўзбекларнинг қайсидир ҳудуди қавмига тегишли маҳаллий тасвирдек туюлади. Бу гашга тегмайди. Аксинча, том маънодаги ўзбеклар яна бир қавмининг очилмаган қирраларидан лавҳалардек таассурот қолдиради. Буларнинг ҳаммасида Тогай Муроднинг маҳорати сезилиб туради. Ёзувчининг дастлабки асарларида маълум тажрибавий қамчиликлар бор, албатта. Барча қисса ва ҳикоялари қатта муваффақият билан ёзилган деб бўлмайди. Танқидчиларнинг Тогай Мурод асарлари ҳақида ёзганларида айрим шу жihatлар кўрсатиб ўтилган. Аммо, умуман олганда, унинг ижоди ўзбек адабиётидан ўз ўрнини топди. Ёзувчининг асарларини ибрат-исбот мақсадида атрофлича илмий ўрганиб чиқишга эҳтиёж бор.

Тогай Мурод ижоди учун жуда характерли бўлган бир томонни қуйида ёритишга ҳаракат қиламиз. Бу ҳам бўлса, ёзувчининг қисса ва ҳикояларидаги қахрамонларнинг маҳаллийлик даражаси масаласидир. Чунки ёзувчи учун чинакам характерлар яратиш қанчалик ажойиб орзу бўлса, бу характерларни жонли тасвирлашнинг туб негизи — миллийлик шунчалик ажойиб ниятдир. Ҳақиқий асар миллий бўлади. Воқеликнинг, табиатнинг, қахрамонларнинг қиёфаси, ички олами ишонтирарли даражада миллий бўлсагина, асар тасвири қитобхонни ўзига ром қила олади. Улуг ёзувчиларнинг, масалан, А. Қодирий, Чўлпон, Ч. Айтматов каби адабларнинг асарлари миллий томонларига қўра ҳаққоний бўлгани учун қадрлидир. Миллийликсиз асар мавҳум бўлиб қолади, муваффақиятсиз чиқади, ўқилишдан тўхтайдди. Миллийликка эришган асар бошқа миллат қитобхонига ҳам маъқул бўлади. Умуминсоний туйғулар ва таассуротлар эса миллийликнинг ўзидан ўсиб чиқади.

Характер ва миллий воқелик. Ҳар қандай халқнинг адабиётида «характер» деган тушунча бор. Бу тушунча замирида «бадиий характер» англашилади. Бадиий характернинг асоси ҳаётдаги характерлардан олинади. Ёзувчи бадиий характерни яратиш учун турмушдаги характерга қанчалик даражада таянмасин, бир кишининг

хулк-атвори ва хаёт тарзи асардаги бир бадиий характернинг тасвирини тўла таъминлай олмайди. Шунинг учун ижодкор бадиий тўкима, умумлаштириш, типиклаштириш оркали асардаги характерларни яратишга киришади.

«Характер» деганимизда хар кандай кахрамонни хам тушунавермаймиз. Тўгри, хар кандай кахрамоннинг характери бор. Лекин кахрамонларнинг хаммаси бадиий характер даражасига кўтарила олмайди. Адабиётшунос Тўхта Бобоев ёзганидек, «...ёзувчи бадиий образ яратишда (хаёт кахрамонларини адабий кахрамонларга айлантиришда) санъатнинг типиклаштириш-умумлаштириш ва индивидуаллаштириш каби конуниятларига катъий амал килади. Шу сабабли ижодкор учун факат илгор дунёкараш билан куролланишнинг ўзигина кифоя килмайди, у реалистик адабиётнинг конун-қоидаларини, приём ва принципларини, махорат сирларини хамда бадиий ижод методини пухта эгаллаган бўлиши лозим. Хаётний асар яратишда ёзувчи шахсияти, унинг бадиий образлар оркали фалсафий фикрлай олиш қобилияти, турмуш хақидаги тушунчалари, дунёкараши, ёзувчилик махорати, тугма таланти ва меҳнатсеварлиги катта роль ўйнайди» (Т. Бобоев. Хаёт материалидан бадиий образга, Т., Фан, 1976. 11-бет).

Бадиий асардаги хамма нарса инсоншунослик учун хизмат килади. Табиат тасвири, кандайдир мулоҳазалар, воқеанинг ифодаси, инсоннинг хар хил кечинмаларини тасвирлаш — барчаси шунчаки баён этиш ниятида амалга ошмайди. Ёзувчи диалогларда, монологларда, кўринишларда кахрамоннинг психологиясини тасвирлашга, бунга китобхонни ишонтиришга тиришади. Шу билан бир вақтда ёзувчи нимани тасвирлаш кераклиги ва муҳимлигини ўйлайди. Демак, гоёвий-бадиий жихатдан изланади, аксинча, характер тасвири ишончли чиқмаслиги мумкин. Кахрамонлар харакатининг жонли, табиий чиқиши яна бир муҳим муаммони хал қилишга боғлиқ бўлади. Яъни, кахрамон кандайдир миллатга тегишли одамдир. У маълум бир муҳитда — кишиларнинг куршовида, шахар ёки кишлокда, табиатнинг бағрида яшайди. Шуларнинг ичида хаёт кечиради. Ёзувчи табиий равишда кишини ишонтириб бориши керак. Бунинг учун у миллий хис-туйғуни, тафаккурни, ютук-камчиликни, шарт-шароитни, миллий тилни, халқнинг тилини, урф-одатини, орзу-интилишларини яхши билиши зарур.

Ёзувчилар кўпинча ўзи улгайган муҳит тасвири таъсирида иш кўради. Чунки ҳеч қайси воқеликни ўзи яшаб кўрган, нафас олаётган муҳитчалик яхши била олмайдилар. Ўз тажрибалари уларга ёрдам беради. Биз манбалардан Абдулла Кодирийнинг хаётни канчалик синчковлик билан кузатганини, меҳнаткашлар орасида, зиёлилар орасида, турли тоифа вакиллари орасида бўлиб асар устида ишлаганини биламиз. Ёзувчининг ўзи яхши билмаган хаётни тасвирлаши кўпинча хатоликларга олиб боради. Асари ишонарли чиқмайди. Бўш, саёз, ўртамиёна роман, кисса ва хикояларнинг юзага қелиши аксар холда шу билан боғлиқ.

Йигирманчи асрнинг охириги ўи йилликлари ўзбек насридаги кўп асарлар замонавий мавзуларда ёзилган бўлиб, улар бевосита куннинг долзарб муаммоларига, хаётимизнинг хар хил кўринишларига бағишланган. Ўзимиз шу хаётга хамнафас бўлганимиз учун бу асарларни осон тушунамиз. Китобларнинг яхши томонларини ва камчиликларини сезиб турамыз. Лекин ёзувчи ўзига яқин хаётнинг мавзуларини канчалик акс эттирмасин, хаётни биздан кўра синчковлик билан ўрганиб ёзмаса, дилимиздаги яширин тасаввурни

юзага чикармаса, натижа яхши бўлмаслиги мумкин. Тогай Муроднинг асарлари, асосан, замонавий мавзуларда ёзилган. Уларда ҳозирги ҳаёт кишилари, замондошларимиз тасвирланади. Баъзи воқеаларгина асримиз бошларидан бошланади. Ёзувчининг биринчи романи— «Отамдан қолган далалар»нинг воқеалари асримиз бошидан то ҳозирги кунларгача келади. Яна баъзи қиссаларидаги (масалан, «Ойдинда юрган одамлар»даги) воқеалар тасвири 30 — 40 ва ундан кейинги йилларни қамраб олади. Аммо ҳақ фақат тарихий даврларда эмас. Кўпчиликка асримиздаги ҳамма даврнинг тарихий характеристикаси яқиндан таниш. Чунки давримиз тарихини ўқиб, кўриб ўрганганмиз. Шу сабабли Тогай Мурод қисса, ҳикоя, ва романлари қахрамонларини замондошлар деб аташ олаемиз.

Тогай Мурод учун қахрамоннинг характери, миллий қолорит, миллий воқелик бошқа ёзувчиларда бўлгани қаби муҳим. У ҳам адабиётнинг қонуниятларига жавоб беради. Анъанавий тажрибалар изидан боради, янги ҳақ услубда ёзишга, бошқа ёзувчилар ижодини тақрорламасликка, ўз овозига эҳа бўлишга ҳаракат қилади. Натижада бошқаларга ўхшамаслигини намоён қила олади. Пиримқул Қодиров бу ҳақда шундай ёзган эди:

«Тогай Мурод қиссалари адабиётимизга Сурхон водийсининг ўзига ҳос нақасини олиб қирди, меҳнатсевар, қамтар ва танги қорвадорлар, боғбонларга нақбатан дилимизда самимий меҳр уйғотди. «От қишнаган оқшом» қиссаси «Алқомиш» достони анъаналарини эслатадиган ҳалқчил рух билан сугорилган. Тогай Муроднинг ўзи ҳам Алқомиш ва Барқинларни берган ўзал водийлар, беқоён яйловларда ўсганлиги унинг сўз бойлиқларидан, ёзувчилик услуби ва ўзига ҳос овозидан сезилиб туради. Нақрий асарга шеърый жаранг ва қўтаринқи рух бағишлай олиш қобилияти ёш адибнинг қаламига ҳос энг яхши фазилатлардан қир.» (Тогай Мурод. Ойдинда юрган одамлар. Т., Адабиёт ва санъат, 1985. 155-бет).

Ёзувчи ўзиинг ижодини «Юлдузлар мангу ёнади» (1976 йил) қиссаси билан бошлаган эди. Кейинчалик қиссани бироз қайта ишлаб қикди, номини ўзгартириб «Давра» деб номлади. Қиссада Бўри қолвон, Тиловберди, Абил синқари образларни гавдалантирди. Маълумқи, ўзбекларда қадимдан миллий қураш ўзига ҳос ва қизикарли анъана ҳисобланган. Айниқса, Сурхондарё ва Қашқадарё тарақларда миллий қураш қенг расм бўлган, шўро даврида ҳам миллий қураш қадрини йўқотмаган, тўйларда, байрамларда давом этган. Қолвонлар эл ичида обрўли бўлишган. Эл уларни қучи-қувватиға қарабгина эмас, самимияти, тантилиги, ҳалоллиги, мардлиги туфайли эъзозлаган. Ҳақикатан, бу ҳунар у билан машқул қишини самимий, ҳалол, пок, мард қилиб тарбиялайди. Адолатсизликка бефарқ қилиб қўймайди. Қолвонлар элнинг қин фарзандларига айланади. Уларнинг ҳаётлари, ҳатти-ҳаракатлари одамларнинг қўз олдида қечади. Айниқса, миллий қураш жараёнида фақат бақовул (судья)гина эмас, бутун ҳалқ уларнинг ҳаракатини, қадам олишини, ҳулқ-атворини қузатиб туради. Шундай экан, бунда галамислик, риёқорлик, қўрқоқлик, номардлик қилиб бўлмайди. Гирромлик қетмайди. Ҳато, янглишиш, армон, ожизлик эса юз бериши мумкин.

Қолвонларда миллий гурур қучлироқ намоён бўлади. Улар ўзининг, қишлогининг, эли, устозлари, қариндошларининг шаънини эсдан қикаришмайди. Айни пайтда ҳар қил вазиятлар, қелишмовчиликлар, шахсий-оилавий ташвиш ва муаммолар бўлиши

табиийдир. Юзаки караганда, бундай мавзуда бирор асар, кисса ёзиш галатидек туюлади. Ёки ёзувчи хали миллий кураш хакида катгарок бадиий асар ёзилмаганини хисобга олиб кўлига калам олгандек кўриниши мумкин. Аслида, бундай эмас. Асар воқеалари тезда китобхон диққатини ўзига тортади.

Асар бошидаёқ миллий воқеликнинг маҳаллий кўринишига дуч келамиз. Асар тўйга чакирик билан бошланади: «Одамлару одамлар, тоғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар! Бугун ха-а-амма Зулфикор полвонниқатўйга!» «Кимсан, Зулфикор полвон тўй қиляпти!».

Тўй тасвири кенг кўламли, лекин зерикарли эмас. Ёзувчи удумлар тасвирини ўта калаштириб ташламаган. Сурхондарёнинг бир оддий тўйида хозир ҳам шундай рўй бериши табиий бўлган ҳолатларни акс эттиради. Воқеалар ёзувчининг кишлоғи Хўжасоатда рўй бераётир. Болалар тўда-тўда бўлишиб ёнгок, ошиқ, шумшак, кулок чўзма, дўл, гирбойди, чиллак, зувиллатар ўйнашади. Палов икковора ёки учовора бир тобок сузилади. Яшинмачок ўйин бўлади. Холбой том устида сурнай чалади. Аёллар доира чалиб давра куради. Шу даврада болалар яшинмачок ўйини билан овора. Каердадир оксуяқ ўйини бўлмоқда. Миллий кураш — олиш бошланади. Эл ичида донг таратиб қариган полвонларни ёлгондакам олиштириб, лекин ростдан соврин бериш ҳам рамзий бир расмдир. Сўнгра энг кичик ёшдагиларни ҳазиломуз олиштириб, давра курашчиларини катталаштириб бориш тарзи ҳам расм. Ёзувчи қахрамоннинг руҳиятини синчковлик билан кузатади. Одил, ҳалол бақовул Бўри полвон турли жойлардан келган полвонларни кузатар экан, ўзининг хўжасоатлик полвонларини хайрихоҳлик билан эсда туттади. «У ачиниш билан шуни хис этдики, инсон қанчалик одил, танги бўлмасин, барибир ўз юрти, элига тортар экан...». Бақовул Бўри даврдан хиёл чиқиб, оксоқоллардан Амир полвоннинг тирсагидан тортиб шундай дейди:

« — Полвонларинг ҳар ерда ўтлаб юрибди, у нима ўтириш? Менга қара, зўр-зўрларини бир ерга йиғ, шўрчиликлар кепти... Тушундингми? Ўзинг бош бўл. Қурга тартиб билан чиқар. Шошма, етти ўлчаб бир кес, шўрчиликларнинг ўнги-чапига эътибор қил. Қайтариб айтаман, факат шўрчиликларга кўз тикинлар. Бинойими?» У Тиловбердини давранинг охирига асрашни, яна бир бақувватрогининг бекиниб ўтиришини тавсия қилади. «Ўз кишлоғи полвонлари мағлуб бўлганда бутун вужуди кизиби, қалтироқтутади».

Тасвир давомида ҳатто курашдаги маҳаллий хусусиятларга табиий равишда аниқлик киритиб юборилади. Сариосиёнинг Тўпалангдарё ёқасида бўлган бир кураш лавҳаси ҳикоя қилинади. Бўри полвон умрида биринчи марта фарғонача курашни кўради. Давра эгаларининг кўпчилиги асли Фарғона водийсидан бўлиб, Йўлдош Охунбобоев ташаббуси билан Сурхон водийсида қолхоз тузиш учун кўчиб келтирилганлар ва шу ерда яшаб қолганлар эди. Водийликлар олишни кураш дер эканлар. «Ўзи ҳам мулойим халқ-да, — деди Бўри полвон ўзича, — жуда мулойим. Курашлариям ўз табиатидан кеп чиққан. Мана биз ўлгудай кўпол халқмиз. Курашимиздаги мардоналик, ботирлик ҳам шундан. Ха, майли, халқ турли-туман бўлгани яхши. Бу — улканлик, улғулик аломати. Мана, фарғонача кураш. Уям ўзимизники. Демак, иккита курашимиз бор экан. Қандай яхши! Бойлик! Аммо-лекин уққагарлар кўп ашулачи халқ-да...».

Бундан ташкари, сурхонча «олиш»га якин спорт турлари хам персонажлар тили оркали киёсланади. Олишнинг афзалликлари, фазилатлари, унинг жахон спорт турлари даражасидаги ахамияти таъкидланади. Эпизодлардан бирида куйидаги диалогни ўқиймиз:

« —Шу Максим полвон жуда совук олишар экан, нима дедингиз?

— Спортчи-да, секцияда тарбия топган. Улар китобда нима ёзилган бўлса шуни килади.

— Телевизорда Монреаль олимпиадасини кўрдиларингизми? Классик курашни олиб кўрсатди. Бирам совуг-э, шуюм олиш бўлди-ю...».

« — Мен яқинда самбо олиши хақидаги китобни кўрдим. Хамма чилларнинг расми бор. Хох ишонинг, хох ишонманг, оёқдан олишдан бошқа хаммаси ўзимизнинг олишда бор экан-е».

Зулфикор полвоннинг тўйида берилган олишнинг тафсилоти батафсил бўлиб, киссадаги тасвирнинг асосини камраб олади. Аммо олиш жўн баён килинмайди. Киска-киска лавхалар, эпизодлар тарзида кураш тасвири бериб борилади. Бу эпизодлар орасига баковул Бўри полвоннинг элас-элас хотиралари (улар хам киска лавхалар сингари) келиб-кетиб туради. Ёзувчи олишнинг эпизодларида бу ўзига хос спорт ва ўзига хос санъатни икир-чикиригача талкин килади. Узундан-узун баён килиб ёки изохлаб бермайди. Холис тасвирлайди ва хис килиш, тасаввур этиш имконини яратади. Асарда полвонлар образлари, уларга хос фазилатларнинг кўлами, гурурларининг кўринишлари чуқуррок очилиб боради. Кўз олдимизда мардларча давра айланадиган, чўккалаб ерни тавоф киладиган, икки кафтини ерга суйкаб, юзларига фотиха тортадиган, кўр тўрида ўтирган чоллар рўпарасида тик туриб ок фотиха оладиган хайбатли полвонлар намоён бўлади.

Хуллас, Тогай Мурод бу қадимий санъатни кучли бир мухаббат билан тасвирлайди. Миллий олишнинг нозик хусусиятларигача бадиий талкин кила олади. Юкоридаги бадиий парчада кўрганимиздек, сурхондарёгагина хос бўлган олиш ва унинг ўзига хос томонларини фаргонача кураш ёки самбо сингари спорт турлари билан табиий воқеалар муносабати оркали солиштиради. Бу билан махаллий-миллий воқеликнинг кўп фазилатларига, шу тупрок одамларига, хаёт тарзига, танти полвонларига самимий мухаббатини изхор килади. Хар қандай санъат ва адабиётнинг хақиқий миллийлиги худли шундай аниқ кўринишлардан, миллий ифтихордан ўсиб чиқади. Бу ҳолат Тогай Мурода, а жуда самимий, холис, меҳр-мухаббатга тўла. Ўзга киёслар ўзбекона урфларга бўлган ифтихорни тўлдиради.

Асарнинг бош қахрамони ўша, баковуллик килаётган Бўри полвондир. Полвонлик билан боғлиқ асарда неки бўлса, барчасини биз у оркали хис киламиз, бу санъатнинг фалсафасини Бўри полвон оркали шархлаймиз. «Биласиз,— дейди у,—злскагар ўша самбодаям, эркин курашдаям, классик кураш, дзюдо деганидаям —барча-барчасида полвон дустаман (юзтубан), ё ёнбош йикилса, ё тиззалаб ўтириб колса, иккинчиси халол

йикитаман деб, бечора полвонни судраб, ерга пийпалайди. Ё бўлмаса, бирор жойини кайиради. Ерда думалаб ётган одамни судрайди-я! Ё, пирим-э, ё, пирим-э... Бу эркакнинг иши эмас! Эркакмисан — оёгида тик турган эркак билан олиш!»

Бу сўзлардан сурхонча олишнинг халоллик талабларини ҳам, баковул Бўри полвоннинг халол карашлари ва адолатлигини ҳам, унинг ўзига хос шевасини ҳам, спорт турларида мардлик асосий вазифа эканини ҳам тушуниб етамиз. Бокеалар ичида Бўри полвон-баковулнинг ёшлик хотираларйгина эмас, полвончилик тўғрисидаги ўй-кайгулари ҳам берилади. Унинг куйидаги хаёлини кузатайлик:

«Халк нимаси билан халк? Эзгу урф-одатлари билан халк! Ота-бобосидан колган яхши анъаналари билан халк! Кўпчилигини билиб-билмай, билиб-билмай унутиб юбордик. Ахир, халк соф тили, пок дили билан, аллаю гиряси билан, меҳнату матонати билан халк!.. Авлодлар алмашган сайин... Юрак йўқолиб боряпти!..».

Бўри полвон олишув анъанасининг кейинги тақдири хусусида кайгуради. Ўгли Тиловбердининг ютуқларидан кувонади, мағлубиятидан алам чекади. Баковул сифатида унинг ёнини олмайди. Бахолашда одил бўлади, ўглини ҳам аямайди. Узок ёшлиқдаги кураш лавхаларини тез-тез ёдга олади. У ёшлигида, вақти-соати келиб, йиқилмай-йиқилмай юриб ўзидан ёшроқ, зўрроқ полвон — Исмоилдан хаётида биринчи бора чинакамига йиқилади. Олиш учун қаригандек туюлади ўзига. Бирок номуси майдонларни шундай ташлаб кетишга йўл қўймайди. Исмоил полвон қаерга тўйга бориб, даврага тушса, унга таъриф бериб таништиришади. «Бўри полвоини ҳам юлдуз санатган, кўкрагини ерга текизган Исмоил полвон» деб макташади. Ўша йиллар Бўри полвоннинг халовати кочади. Хар тўйда Исмоил полвонни таъкиб этиб, курашиш мавридини пойлайди. Бу таъкибдан хатто Исмоил полвон чўчинкираб қолади. Термиздаги бир тўйга Бўри полвон келиб, Исмоил кўрмасин учун машинанинг кабинаси ичида бекиниб ўтиради. Исмоил даврага чиқиши билан Бўри полвон талабгор бўлиб даврага отилиб чиқади. Лекин Исмоил хақиқатан зўр экан, уни йикитиш осон кечмайди! Ёзувчи Бўри полвон характерининг шу вазиятдаги тасвирини, айникса, жозибали чизади. Бўри полвон чарчайди, хамрохига суянади, ўз аждодларидан, отасининг пиридан мадад сўрайди:

«Отагинам, мен хамиша сизнинг насихатларингизга амал қилиб келдим. Сиз айтар эдингиз: полвон ўзини уч балодан асрасин, энг биринчиси — аёлбозлик! Отагинам, ёшим ўттизга етибдики, оёгимни кийшиқ босмадим, харом-хариш йўлларга юрмадим. Хали уйланмадим ҳам!

Иккинчиси — ичкиликбозлик, дердингиз. Отагинам, мен халигача огзимга арок олмадим. Ундан хазар киламан.

Учинчиси — полвон ўзини нафс балосидан асрасин, дегувчи эдингиз. Отагинам мол-дунё учун олишмадим. Мол-дунё хирсидан ўзимни хамиша саклаб келдим...».

Бўри полвон шу галдаги галабасидан кейин майдонни тарқ этади. У эл орасида орттирган халол обрўйини саклаб қолади.

«Давра» киссасида ўзбек халкининг бир қисми бўлган воҳанинг ўзига хос ҳаёт тарзини, удумларини тасаввур қиласиз. Демак, халқда маълум бир анъана, урф-одатнинг умумий кўринишлари мавжуд бўлганидек, маълум бир анъана маҳаллий жихатдан ҳам ўзига хосдир. Ана шу ўзига хосликлар, фарқли томонлар айни пайтда катта ўзбек халкининг фазилатларини янада серқира, гўзалроқ кўрсатади. Буни бош қахрамон Бўри полвоннинг ҳаёллари орқали кузатдик. Бўри полвондан бошқалар ҳам сурхон олишлари, тўйлари тасвири қахрамонларидир. Уларнинг кўпчилигида ўз феълли, табиати, ахлоқи, характери сезилади. Уларнинг жонли чиқишида шубҳасиз ёзувчининг тўй-кураш манзараларини ҳаққоний билиши катта роль ўйнаган. Асардаги расм-русум, урф-одат, кийим-кечак, ўйин-кулги тасвирлари миллий колоритни кучайтиради, қахрамонлар киёфасини янада жонлантиради.

Бош қахрамон Бўри полвон халқнинг талабига кўра бақовуллик қилмоқда. У даврада кўзи ожиз бўлиб қолган Насим полвон ўтирганини кўриб қолади. Бақовуллик жараёнида Насим полвон билан боғлиқ хотираларига берилади. Ҳамма гап асар сюжетининг ана шу томонида. Ёшлигида ота-оналари Бўри полвон Насимнинг киёматли дўсти бўлсин деб, тўн ёптиришган. Улар энди қадрдон, ақа-уқадек. Аммо ҳаёт Бўри орзу этгандек натижалар бермайди. Далада ишлашган кезлари Бўри полвон Момокизни яхши кўриб қолади. Ёзувчи мана шу севгида қахрамонлар тўйгусининг характерли, ишончли ўзига хослигини бера олган. Бу севги ўлдим-қуйдим эмас, узундан-узук ишқ изхори эмас. Қалб сирини Бўри Насимга ишонади: «Насим ошна, бир гап айтсам, бировга айтмайсанми? Ошна, Момокиз яхши, эшитяпсанми, у яхши...».

«Насим ошна, сен Момокизга айт, Бўри сени тушларида кўради, де. Сенга киёкни дўржирок беришида гап бор, де».

Бўрининг бекиёс ҳаё билан лиммо-лим илк муҳаббатини, «биринчи кўнгли»ни шу сингари қиска ифодалар чуқур очади. У дўсти Насимни кўп ардоқлигиси келади. Чунки киёматли дўст тутинишнинг вазифаларини Бўри жуда муқаддас деб билади. Гарчи қиссада бундай фикр бўлмаса ҳам, китобхон шуни ҳис қилади. Бўри билан Насим ўртасидаги кейинги суҳбат бундай:

« —Насим ошна, у нима деди-а? Кўзингни очиб айт, нима деди? Ё уялиб индамадимми? Насим унга ўгирилди.

— Бўри, мен гапларингни оқизмай-томизмай айтдим. Бўри ошнамга сенсиқ кундуз ҳам қоронги, дедим.

— Ух, бормисан, ошна! У нима деди?

— У, э, бети қурсин, деб қўл силтади, шўр-а. Сенга кўнгли йўқ экан. Ишонмаяпсанми? Мана, қиблага қараб айтаман: агар ёлгон айтсам қўр бўлайин».

Насим Момокизга дўстининг гапларини бошқача қилиб етказган. Айтишга қидамайдиған гап, деган. Сен билан ўйнагиси, қўйнингта қирғиси қепти, дейди. Албатга, бу гапдан сўнг кўнгли бўлса ҳам, Момокиз тузук жавоб бера олар эдимми? Асарнинг қалбларни ларзага солувчи бу воқеада сюжетнинг аёл жозибасини таъминловчи, ёзувчилик қондасига хос бироз яширин сир-ҳикматлар бор. Ва яна ўсишда бўлган барча ақл эгаларининг идроклаши учун очик айтилмай тўғри қилинган бир аччиқ ҳақиқат ҳулосаси бор: бегубор илк севги бошқа, нафсу хирс бошқа: Дўстининг бегубор севгиси ҳабарини Насим

Момокизга хирс, тан ошиклиги хабари килиб етказди.

Шу вокеа икки дўстни бир-биридан ажратади. Бўри полвон— хаёли, ориятли, нозик табиатли киши. Момокизга кўнглидагини журъат килиб айта олмайди. Гапини эса дўсти ёлгон етказиб, яна уни алдаганини ўзи бир эпизома тан олади. Шу пайт Момокиз сари кетаётган Бўри полвон тўхтаб қолади. Бўри полвоннинг бу тўхтаб қолишида драматизм кучлидир. Бир томондан, Момокизга дўстининг мухаббати, иккинчи томондан, дўстининг мухаббат деб унга қилган хиёнати. Шу-шу икки дўст орасига яширин—ўзларигагина аён низо тушади. Бу воқеалар элга ноаён. Насим Момокизга уйланиб кетади. Характерида садокатсизлик, ожизлик, писмиклик, ўз манфаатини ўйлаш бор. Кейинчалик бир тўйда Бўри полвон қурашади-да, ўзини, садокатсиз бўлолмаслигини кўрсатади.

Насимни хиёнат, касам хақиқатан кўр қилади. Бўри полвон бир томондан ачингандек бўлади. Тасодифни қаранги, ўгли Тиловберди (тўрт киздан кейинги ёлғиз ўгли) полвон олишуви керак бўлган Абрай полвон Насим ва Момокизнинг ўгли экан. Тиловберди мағлубиятга учрайди, Насим ошқора голиблик нашидасини сездиради. Аммо Бўри полвоннинг унга самимияти йўқолган эмас. Кўнгли юмшаб кетади. Рухиятида иликлик, раҳмдиллик уйғонади. Насим полвонни бағрига босгиси, унинг соқолларига пешонасини суйкагиси келади. Бирок яна ўзини тўхтатиб қолади.

Бўри полвон собик киёматли дўсти Насим билан хаёлан гаплашади. Бундай тасвир қиссага янада ўзига хос гўзаллик, хузур бағишлайди. «Айтгандай, Насим ошна... Бизнинг Момокиз омонми? Тани-жони соғ, ўйнаб-қулиб юрибдими? Вақти хушми? Уям қаридими? Ошна, мен Момокизнинг қариганига ишонмайман. Хаёлимда Момокиз халиям ўша Холвачининг қирларида юргангайдай...».

Қиссининг сўнгидаги Бўри полвоннинг хаёллари, мулохазалари, хаёт хақидаги хулосалари ўқувчининг диққатини янада ўзига жалб қилади. Бўри полвон образи янада олижаноб қалб эгаси, матонатли, садокатли, меҳрибон ва мунис инсон сифатида талқин қилинади:

«Насим ошна, мен ўз гапини Момокизга айтолмай қолдим...

Аммо мен ўз умримдан шуқур қиламан, ошна. Ўзимга-ўзим айтаман: Бўри полвон, сен йигит бўлиб эдинг, ана, биринчи кўнглинг бор, дейман...

Насим ошна, Момокиз халиям кўнглимнинг туб-тубида яшайди. Уни биров ҳам, хатто Тиловбердининг онаси ҳам билмайди.

Мен Момокизни уйқуларимда кўраман. У жилмайиб қараб туради. Кўзларимни очсам, уй зимистон, ёнимда Тиловбердининг онаси ётган бўлади. Ай, онаси, Момокиз қелди— мен уни кўрдим, дегим қелади...»

«Давра» қиссасининг қахрамонлари — полвонлар. Тоғай Мурод уларнинг маънавий оламини, ички дунёсини, ҳислатларини, хаёт тарзларини чиройли талқин қила олган. Бўрибой, Насим ва Момокизнинг севги саргузашти асарнинг иккинчи планида дейиш тўғри бўлмайди. Қахрамонлар маънавий дунёсини асарнинг бу тасвирисиз етарли ҳис қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам С. Мирвалиевнинг «Ўзбек адаблари» китобида ёзилган: «Бу қисса ўзбек адабиётига тугма истеъдод эгаси қириб қелаётганидан дарак берди. Қиссада Бўри полвон, Тиловберди, Абил полвон образларида ўзбек миллий қураши бадиий ифодасини топди» деган таъриф асарни етарли характерлай олмайди. Чунки асарнинг биринчи планида Бўри полвоннинг, қолаверса, Насим полвон, Момокиз,

Тиловберди ва бошкаларнинг характерлари туради. Кураш эса характер учун «хизмат килади».

Ёзувчининг махоратли томонларидан бири шундаки, у тўғридан-тўғри бўлмаса ҳам, икки йўсиндаги «кураш» манзараларини барабар тасвирлаб боради. Биринчиси — сурхончасига олишиш, иккинчиси — инсон маънавиятининг хилма-хил кутблари кураши. Бу йўлда Бўри полвонга қарши Насим образи туради. Воқеаларнинг гоҳида олишув майдонига, гоҳида севги хотираларига алмашиб туриши табиий ҳолда кишини икки хил курашни киёслашга даъват этади. Тоғай Мурод қиссада ўз индивидуал услубини юзага чиқара олган. Жумлалар қисқа, пишиқ, халқонадир. Ортиқча баён ва тафсилотлар йўқ. Киноя, кочирик ва ҳазил-мутойибалар асарни бадиий кимматини оширган. Булар миллий воқелик ифодасини, қахрамон характерини ёркинрок тасвирлаш имконини берган. Миллий воқелик рўй-рост тасвирланмаган жойда қахрамоннинг характерини ишонarli чиқариш мумкин эмас. Бу икки томон бир-бирига мутаносиб, уйғун бўлиши зарур.

Шундай асарлар бўлади: уларда мавзу бевосита миллий урф-одат, расм-русум, анъаналар тасвирини такозо қилмайди. Ёзувчи конкрет тарихий воқеликдаги кишиларнинг фаолиятларини, орзу-интилишларини бадиий талқин қилади. Асар марказига инсоннинг кечинмаларини, билиб-билмай қилаётган ҳаракатларини қўяди. Бундай асарда ҳам китобхон замондошларининг ёки тарих бўлиб бораётган авлодларнинг маънавий томонларини аниқ ишонч билан тасавур этиши, ҳис қилиши керак. Бундай асарда ҳам тасвирланаётган воқелик миллий заминга қўра ҳаққоний ва ҳаётий бўлиши даркор. Ёзувчи Тоғай Муроднинг бошқа қиссаларидан фарқ қилиб турадиган «Момо ер қўшиғи» асари (1986) адабий жамоатчилик диққатини тортган эди. Бу асар бошқа асарларидан фарқли ва у миллий-махаллий анъаналаримиз тасвирига тўғридан-тўғри ёндошадиган асарлари турқумига қирмайди. Кейинрок ёзувчи бу қиссани «Қўшиқ» деб қисқарок номлади. Қўпчилик унинг асосий мавзусини миллий заминдан йироқлашган зиёлилар ҳақида, юртнинг улугвор муаммоларини рўқач қилиб, аммо одамгарчиликдан узоклашиб қелаётганлар ҳақида, 80-йиллардаги Ғарб адабиётига сизинди ижодкорлар ҳақида, бир сўз билан айтганда, ёлгончи мафқура қурбонлари ҳақида деб таҳлил қилади. Ҳақиқатан ҳам шундай.

«Қўшиқ» асарида Тоғай Мурод қаламга олган мавзу биз учун, адабиёт учун муҳим. Бу қиссада ҳам ёзувчи ўзбек халқининг ўзига ҳос ҳаёт тарзини ифода этиш йўлидан боради. Кишлоқ ҳаётининг яхши-ёмон муаммолари ўртага ташланади. Буни ҳис қилиб тураемиз. Аммо гап қахрамонларининг характерига бориб такалганда ёки бошқа қиссаларидаги характерларга бундаги қахрамонларнинг бадиий кимматини солиштирганда, бошқача ҳулосалар чиқаришга тўғри қелади.

Қиссининг бош қахрамони Турсункул Орзикулов бўлиб, ижодкорлик, шоирлик ҳаваси билан ўзига Пахлавон Даҳо деган таҳаллус қўйган йигитдир. Тасвир отасининг ёшлигидан бошланади. Отаси сержант Орзикулов деб ном олган. Армиядан қелиб кишлоқда ота-онасига ва бошкаларга ўрисча гапираверади. Ҳаммага «сержант Орзикулов» дея таништиради ўзини. Шу-шу сержант Орзикулов бўлиб қолади. Отасининг пўписаси, қалтаги билан ўз тилига қайтади. Уйланади, икки қизли бўлғач, урушга бориб

келади. Икки кизи нобуд бўлади. Кейинги кизи ҳам турмайди. Худо ўгил беради ва уни Турсункул деб атайди. Хуллас, Орзикулов энди босилиб қолади ва умр бўйи кишлоқда подачилик келади. Ўгли шаҳарда ўқиб қайтади. Уйланиб икки фарзандли бўлади. Кишлоқдаги маданий колоқликдан қочиби, шаҳарга яна кетади. Сержант Орзикуловдаги баъзи ўрисча гапиришдек сифатлар Турсункулда намоён бўлади. Унга кишлок ёкмайди, исми-фамилияси ёкмайди. Бола-чакаси кута-кута кетиб қолади. Шон-шухратни ўзига ўхшаган шоирларга қўшилиб орзу келади. Шухрати баланд Улуг шоир каби машхурларга ҳасад қилиб юради. Асар охирида унга душманлик йўлига ўтишади. Гох ишли, гох ишсиз юради, ижарада яшайди.

Кейинги воқеалардан кўринадики, Тогай Мурод Даҳо шоир образини умумлаштириб, шерикларининг тасвирига нисбатан кинояни қучайтириб юборади. Бошқача маромда бошланган асарнинг ифода тарзи жуда ўзгариб кетади. Мафкурачиларда ҳам ҳасадгўйчилик, душманлик, оиладан узоклашиб, ҳатто ота-онага оқибатсизликнинг борлиги аниқ. Кишлоқни менсимай, ўзини қатта тутиш ҳоллари кўп. Аммо Даҳо шоирнинг аниқ образдан умумлашма бўлиб кетиши сунъийликдек туюлади. Кўпинча салбий хусусиятлар кишлоқдан чиққан Даҳо шоирга ортиқ даражада тикиштирилади. Натижада Даҳонийг шунчалик тубан қолганига руҳият тасвирига кўра ишонгингиз қелмайди. У болаликнинг ширин хотираларидан, фарзандларига бўлган оталикнинг табиий-инстинкт меҳридан, севиб олган хотинига муҳаббатидан, ота-онасига ҳурматидан, нахотки, шунчалик узоклашиб қетса? Асар охирида отаси «подага қара» дегандек, илтимос-васият қилгандек бўлгач, аслига бироз қайтади. Бундай психологик тез ўзгариш унчалик ишонарли эмас.

Қиссада Тогай Мурод услубига ҳос фазилатлар сезилиб турса-да, характерлар талқини жоқибали равишда тўла типиклашган ва индивидуаллашган деб бўлмайди.

Тогай Муроднинг «От қишнаган оқшом» қиссасида ҳам «Давра» қиссасидаги каби миллий удумлар ва қаҳрамон характери маънавий олам тубанликлари билан тўқнашувда тасвирланади. Танқидчи Иброҳим Гафуров «Изҳорга эҳтирос ҳам, нафосат ҳам ярашади» деган мақолада яратилаётган образларнинг маънавий қоллиги ва фаоллиги тўғрисида фикр юритади. Мақолада Тогай Мурод ижодига тўхталади:

«Тогай Муроднинг «От қишнаган оқшом» қиссасидаги Зиё мерган табиатида ҳам шундай фаол инсонийлик етакчилик қелади. Унда мардлик фидокорлик даражасига, фидокорлик инсоний бойлик даражасига ўсиб қикади. Зиё мерган ўзини бошқалардай, бошқаларни ўзидай қўради. У яхшилик учун қурашдан тоймайди. Унинг яхшилик ҳақидаги тушунчалари халқнинг қалбидан олинган». (Иброҳим Гафуров. Ўттиз йил изҳори. Т., Адабиёт ва санъат, 1987., 234-бет).

Ўзбек юртининг миллий кўринишлари, яшаш шарт-шароити, кишлоқдаги меҳнатқашларнинг феъл-атвори бу қиссада таъсирчан тасвирланади. Қиссадаги от образи — Тарлонни, кўпқари воқеалари, Зиёдулла қавандознинг отга ва кўпқарига муҳаббатини Тогай Мурод маҳорат билан қизади. Қуйидаги тасвирдан буни илғаб олиш мумкин:

«Тарлонни кашиладим. Омборхонадан от абзалларини: терлик, беллик, чирги, боз, жаханник, жул, пуштон, куюшкон, юган, кўпчик, узангили эгарни кўлтиклаб келдим. Тарлонни эгарладим. Огзига сувликни солиб юганладим. Пешонасига дўлана шохидан бўлган кўзтумор илдим. Каппайган хуржунни эгарга ташладим. Узангига оёк солиб, эгар қошидан олдим».

Хаётдаги алгов-далгов воқеалар жамиятнинг ҳамма соҳаларига қандайдир таъсирларини кўрсатади. Қиссада ёзувчи шундай воқеалар тасвирини эътибордан соқит қилмайди. Бир замонлар бўлдики, отларни турли баҳоналар билан давлат номидан йигиштириб олдилар. Зиёдулла чавандоз отсиз, Тарлонисиз яшай олишини тасаввур қилолмайди. Отини яширишга мажбур бўлади ва кутқариб қолади. Тарлонни жабдуклаб, Обшир кишлогининг кунботаридаги оқ тупроқли адирлар, тепалар томонга кетади. У ерда камарлар кўп. Кечаси камарлардан бирига отини боғлаб, қайтиб келиб ётади. Ундан отни талаб қилишади. От миниб босмачи бўлмокчимисан? Товук,, кўйларинг кўп, ҳамма нарса магазинда бор, қандай жамиятда яшаяпсан, кўпқари деганинг эскилик саркити, деб пўписалар қилишади. Ўн кун қамаб кўйишади. Тарлонни айтмайди.

«Биродарлар, неча-неча қорабайирлар, бурночлар кетига қараб-қараб, қишнаб-қишнаб кетди. Неча-неча жийронлар, саманлар гўшт бўлди. Қишлоқда отлар қишнамай кўйди. Сахарлари кўчада от туёқдари тикилламай қолди. Окшомлари отлар тарсиллатиб, ер тепинмай кўйди. Адирларда отлар айғирига эргашиб дупур-дупур чопмай қолди»,—деб ҳикоя қилади Зиёдулла чавандоз.

Зиёдулла шаҳарга келиб тўсатдан бир воқеага аралашиб, гувоҳ бўлиб қолади. Ўғрилиқ содир бўлади. Беқасам чопонлик бир қишининг пулини бир бола ўғирлаган. Боланинг шериклари бу қишини уриб, қутилиб қочишади. Қишини қасалхонага жўнатишади. Зиёдулланинг виждони сохта гувоҳлик беришга йўл кўймайди. Халиги ўғрилар ушлангач, Зиёдулла ўғрилар шулар эканини тасдиқлайди. Жиноятчиларнинг бошқа шериклари сулдан кейин унинг орқасидан етиб келиб, уни ўлдирмокчи бўлишади. Торлон қаттиқ қишнади ва эгасининг душманларига ташланиб, Зиёдуллани қутқариб қолади. Одамга одамнинг айрича меҳри бўлиши керак бу хаётда. Лекин отчалиқ меҳри бўлмаган галамисларга нисбатан нафратимиз қисса сўнгги саҳифаларида қучайиб кетади. Айниқса Зиёдулла чавандознинг отига тикилиб айтган сўзларида адолат билан адолатсизлик ҳислари тўқнаш келади:

«Тарлон-ай, нима қунларга қолдиқ? Тушда бўляптими, ўнгдами? Сен фарқламасанг, мен фарқлай олмайдим, Тарлон. Халигилар қандай жонзот эди, Тарлон? Оёқлари икков, қийимлариям бор. Син-симбати одамга қелбат беради. Одамга менгазоб гапиради, қулади. Билмадим, Тарлон, билмадим, сен билмасанг, мен билмадим. Мен сени биламан, Тарлон. Улар менга бегона...

Аё, Тарлон, сен менинг укамсан. Бўлди, мен энди уларни укам демайман. Менинг укам сенсан. Сен менинг укамсан, Тарлон. Ўзиям менга ўхшайсан. Ука ақасига ўхшайди-да... Аё, Тарлон, сен менинг биродаримсан. Бўлди, мен энди уларни биродарим демайман. Менинг биродарим сенсан...

Аё, Тарлон, сен менинг қиёматлик биродаримсан, қиёматлик биродарим...».

Зиёдулла ўз умрини от билан қанчалиқ боғлаган бўлмасин, Тарлондан бу қадар фидокорликни қутмаган. Энг қийин пайтда у эгасини ҳимоя қила олиш қобилиятига эга

эканлигини билмаган.

Пиримкул Кодиров киссага самимий бахо беради: «Кисса кахрамони Зиёдулла — ойдй бир чўпон. Унинг ўз оти Тарлонга бўлган меҳри — инсоннинг табиатга кўйган меҳридай соф. Тарлон табиат тимсоли бўлгани учун ҳам ёзувчи уни ёркин бир образ даражасига кўтариб тасвирлайди... Зиёдулла ўзи яшаётган жойдаги каллоб ва риёкор одамларга карши дадил курашади. У хатго ўзидаги жисмоний нуксонга карши исён кўтаради, «кал» деган маломатни маънавий устунлик, мохир чавондозлик шухрати билан енгиб ўтади».

Фазилатлар «Ойдинда юрган одамлар» киссасида янада равшан кўринади. Хеч шубҳа йўқки, бу кисса — ёзувчининг энг гўзал киссаси. Миллий хаётимиз тасвирини ёзувчи оддингидан ҳам кизикарли, хаётий акс эттира билган. Кахрамонлари ўзбек китобхонига, ўзбек халки хаётини яхши тасаввур кила оладиганларга жуда таниш, кадрдон туюлади.

Махаллийлик тўла миллийлик деб аташга лойик тарзда тасвирланиши мумкин. Хатто шундай бўлиши зарур. Бундай «махаллийлик» миллийлик ёки умуминсонийликка карши турмайди. Аксинча, асарни жонли килади, миллийликка янада ишонтиради. Хар кандай адабиётнинг тажрибаси бу конуниятни тасдиқлаб туради.

Чингиз Айтматов кисса ва романларининг воқеалари, кахрамонлари киргиз миллий хаётига тўғридан-тўғри боғланиб кетган. Унинг асарлари киргиз миллийлиги сифатида ёркин таассурот колдиради. Лекин Чингиз Айтматов Киргизистоннинг ҳамма вилоятларидаги киргизларга хос турмуш тарзини ва характерни умумлаштириб юборган эмас. Айникса, киргиз китобхонлари унинг асарларидаги кахрамонларнинг кайси ерлик киргизларга кўпроқ тегишлилигини билиб, сезиб туришади. Саид Ахмад асарларида водийлик ўзбекларга хосликни, Ўткир Хошимовда шахарлик, айникса, тошкентликларга хосликни, Шукур Холмирзаевда Бойсун воқелигига хосликни кўриш мумкин. Буларнинг ҳаммаси миллийликни бўғиб кўймайди, балки тўлдиради. Миллийликни кенгрок, мукамалрок, туб илдизлари билан тушупишга ёрдам беради. Худди шунингдек, илгор махаллий аниқликларнинг миллийликка, бинобарин, умуминсонийликка зид келмаслигини ёркин исботлайди.

«Ойдинда юрган одамлар» киссасининг бош кахрамони Коплондир. У ҳам «От кишнаган окшом»даги Зиёдулла чавондозга ўхшаган меҳнатсевар, дангал, танти, самимий, ўз ерини, табиатни яхши кўрадиган бир киши. Коплоннинг хаёт йўли деярли бошдан охиригача жозибали тарзда хикоя килинади. У Оймомо деган кизни севиб колган. Севганига етишади, уни ардоқлайди. Оймомо ҳам хаётини Коплонсиз тасаввур кила олмайди. Лекин ёзувчи «ўлдим-куйдим» тасвир ваъда килмайди. Севги, мухаббатга оид сўзларсиз, хаётий лавҳаларда, кахрамонларнинг хаёлий гап-сўзларида, харакатларида ёркин севгини кўрсатади. Коплон ва Оймомо фарзандсизлик доғида яшайдилар. Ана шу кийнок, армон-азоб уларнинг тақдирида, рухиятида кандай кечади? Кисса шу хакда.

Икки кахрамон умр бўйи фарзандли бўлишга чора излайди. Бу чора баъзан ички кечинмаларда, баъзан кахрамонларнинг амалий харакатларида. Уларнинг бир умр бирга бўлишлари ҳам азоб, ҳам завкли. Хақикий мухаббат эгаси эканликлари умр йўлидаги матонатларидан билинади. Киссада кўп йиллик, яъни бир умрлик воқеалар тасвирланган. Воқеалар кишлокда рўй беради. Хар хил даврлардаги ўзгаришларни,

давринг тараккиёт хусусиятларини намойиш килади. Тўй тасвири, «тобок» оркали Сурхондарё тарафларга хос тўй хис килинади.

«Тўйга айт-айт. Кизлар келин тарафга, йигитлар куёв тарафга айтди.

Тўйхона тўла тўйловчи!

Кўчада болалар шовкин солди:

—Тобок келди, келинникидан тобок келди!

Дарвозада елкалари, бошларида дастурхон кўтарган аёллар пайдо бўлди. Улар келинникидан ўнта тобок олиб келди. Тобокларнинг бирида полов, бирида коверма гўшт, бирида кайнатилган тухум, яна бирида ширгуруч...

Тобоклар даврага кўйилди. Тўйлбвчилар кўнгиллари тортидан еди».

Келин-куёвларнинг кийинишида, тўйдаги урф-одатларида даврага нисбатан, махаллий турмуш тарзига нисбатан аниқ тасаввур уйғонади. Келин ва куёвнинг тасвирланиши шундай: «Куёв ошналари куршовида чимилдикка йўл олди. Оёгида пошнаси баланд, гирчиллок этик. Елкасида бекасам, белида тойи белбог...».

«Пойандозни бир-бир босиб келин келди. Устида бекасам камзул, атлас кўйлак.

Оёклариди ковуш, юзларида оппок харир...»

Урф-одатлар тасвирида ҳам шуни кўрамыз:

«Тўй охирлари. Ит гириллатар, кампир ўлди, соч сийпатар, кўл ушлатар, ойна кўрсатарлар бўлди.

Ойна кўрсатари кизик. Кайвони аёл келин-куёвга ойна тутди. Улар юзларини ойнадан олиб кочди. Келин караса, куёв карамади, куёв караса, келин. Кайвони аёл келин-куёвларнинг бошини ёнма-ён ушлаб ойнага каратди. Гапирмаганларигаям кўймади. Куёв келиннинг акси билан, келин куёвнинг акси билан пичирлаб гапиришди...»

Киссадаги тўй тасвирида «оёк босди», «келин ош емади» сингари расм-русумлар бор. Халкона кўшиқлар, шеърлар бор. Булар ҳам характерлидир. Коплон билан Оймомо кўп кийинчиликларни, шодлик кунларини бошдан кечиришади. Уришишади, ярашишади, изтироб чекишади, умид килишади, таскин топишади... Хаммаси табиий. Лекин ҳеч ким уларчалик садокатли туюлмади. Чунки бошқача садокат, силлик муносабатлар асосига қурилган севги, садокат, меҳр-окибат ишончсиздир. Хаётда шундай, чинакам бадий адабиётда ҳам шундай бўлиши шарт. Уларнинг рухий кечинмалари, хар хил юмушлари, гап-сўзларида махаллий кўриниш-холатлар идрок этилади. Ёзувчининг бу соҳадаги меҳнати, изланишлари юксак самара берганига ишонч ҳосил қиласиз. Буларни шунчаки қузатмайсиз. Ёки шу махаллий халккагина ҳослик деб ҳулоса чиқариб қўя қолмайсиз. Ўзбекларнинг яна бир шундай ҳаёти ҳам борлигига ва бу ҳаёт ҳам самимийлиги билан умумий маънодаги ўзбек миллийлигининг бир қисми эканига инонасыз. «Ойдинда юрган одамлар» кассасининг шу сингари ўрганишга лойик жихатлари кўп.

Махаллий-миллий характер ва ёзувчи маҳорати. Бадий адабиётнинг, унинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлган прозанинг қахрамонлари хақиқий миллий характерлар даражасига кўтарилгандагина муваффақият қозонади. Қахрамонларининг миллий характерлар даражасида гавдалантирилиши бадий асарда кўтариб чиқилган мавзу ва муаммога, тасвир кўлами ва гоё-хулосаларга боғлиқ, албатта. Аммо асарнинг ютуғини фақат шуларнинг ўзигина таъминлай олади деб ҳулоса чиқариш ўринсиз.

Миллий характернинг мукамаллиги унинг канчалик дилтортар, ибратли, таъсирчан бўлмогига ҳам боғлиқдир. Бу ёзувчидан сўз санъаткори бўлишни, топкир бўлишни, бошқа адиблар ижодидаги услубга таклид килмасликни, замонавий китобхонлар маънавий эҳтиёжини идрок эта билишни талаб килади. Бадиий асарда ифоданинг маълум кўлами ва меъёри бўлиши керак. Унинг тили миллий тилнинг ҳамма катламларидаги бой хазинадан имконият ва эҳтиёж даражасида фойдаланилган холда ёзилганини кўрсатиб туриши зарур. Бу ўринда қандайдир меъёрни белгилаш лозим бўлади. Ёзувчи муайян образлилик иктидорига эга бўлиши даркор. Кўпинча насрий асарлар образлилик масаласида шеъриятга караганда чекланган бўлади. Айниқса, реалистик метода, а ёзилаётган асарда ёзувчи ҳамма-ҳамма нарсанинг ҳаётга яқин бўлишини хоҳлайди. Романтикага ортикча эрк бера олмайди. Бунинг учун ёзувчи образлиликнинг шу вазифага мос тушадиган усулларида фойдаланади. Кичик бир деталь, сўз, макол ёки ибора, табиат тасвирининг кўриниши ва қахрамоннинг унга муносабати, маълум бир мавжудотга, масалан, хайвонларга муносабат, кийиниши ёки миллий удумларга қахрамоннинг алоқадорлиги каби холатларни акс эттириш шунчаки амалга ошавермайди. ҳаммаси учун ёзувчидан юксак маҳорат талаб этилади.

Машхур ёзувчи Чингиз Айтматов ана шу маҳорат масаласи ҳақида шундай ёзади:

«Агар асар ўқувчининг калбини ҳаяжонга солмаса, унинг эстетик дунёсини бойита олмаса, унинг яхшиликка ва ёмонликка муносабатини ўткирлаштира олмаса, унда нималар айтилмасин, қандай ўта фойдали ва ўта муҳим фикрлар изҳор этилмасин, қандай тема ва проблемалар кўйилмасин, у ҳақиқий санъат эмас. Бутун жаҳон жозоба (тортув) қонунини менсимаслик мумкин бўлмагани каби санъатнинг бу қонунини ҳам назар-писанд этмаслик мумкин эмас. Мазмун ва шакл бирликда санъат асарининг моҳиятини ташкил этувчи икки категориядир».

Шундай асарлар яратиладики, кўтарилган масалалари, муаммолари, қахрамонлари жуда муҳим кўринади. Ёзувчи янги ва керакли муаммоларни талкин этади. Лекин асарлар шу томони билан эътиборни жалб қилиб ўқилса-да, тез унутилади ёки ўқувчини етарли таъсирлантира олмайди. Бундай асарларда, Чингиз Айтматов ёзганидек, маҳоратсизлик панд беради. Ўзбек адабиётида ўртағиёна, бўш-саёз савияда ёзилган асарлар оз учрамайди. Масаланинг яна бир томони бор: адабиётшунослик ва адабий танқид илми бадиий намуналарга юксак талаблар асосида ёндашиши, бадиий намуналарга ҳудли шундай талаблар қўйиши лозим. Аслида, ҳар қандай етук адабиёт мазмун билан шаклдорликдаги санъаткорликни талаб этади, иккита томонни уйғун олиб боради. Шарқ классик адабиётида асарга биринчи навбатда сўз санъати деб қаралган. Шу томондан текширилган. Ёзувчи санъаткорлигини кўрсата олсагина, асари эътиборни тортган. Ҳар қандай бадиий асарда ёзувчининг бадиий маҳорати масаласи ниҳоятда муҳим саналган.

Тоғай Мурод асарларида миллий қахрамонларни, ёзувчининг ўзига хос маҳоратини қузатар экансиз, муаллифнинг бу соҳадаги ютуқларини ҳис қилиб, адабиётнинг талаб-вазифаларини чуқур идрок қилганини сезасиз. Асарларида дунёқараш, маънавият ва кадрларга доир долзарб мавзу-муаммоларни кўтариб чиқади, халқчил, жозибали акс этгаришга интилади. Иброҳим Гафуровнинг бу ҳақда қуйидаги фикрлари бор: «Тоғай Мурод бундай воқеаларни таъсирчан қилиб тасвирлайди. Уларни чин маънода кўшиқ

килиб юборади. Унинг тасвири халк огзаки ижоди санъатининг энг яхши анъаналарига уланиб кетади, уларни янгича йўлда ривожлантиради. Сал эркинрок фикрлаб, уни прозанинг бахшиси десак, хато бўлмайди. Тогай Мурод кўз ўнгимизда ўз оригинал йўли ва услубига эга ижодкор каби шаклланиб бормокда. Бу адиб халкнинг қадимдан шаклланган урф-одатлари, расм-русумлари поэзиясини чизишга, уларнинг илтифот, назокат, ўзаро хурмат ва шу асосда мухаббатли бўлишга ундайдиган илгор томонларини очишга уста. У асосий эътиборини, кучи ва эҳтиросини шунга каратади ва шунда махорат кўрсатади. Ёзувчининг асосий эътибори шунда бўлгани учун унинг қахрамонлари вақтдан, ижтимоий муҳитдан бир қадар ажралиб қолгандай бўлиб туюладилар. Урф-одатлар қанчалар поэтик кўтаринкилик билан тасвирланмасин, улар охир-оқибатда қахрамонларни тўла маънодаги замонавий кечинма ва интилишларга эга инсон каби тасвирлашга тўсқинлик қилар экан...» (Иброҳим Гафуров. Ўттиз йил изхори. Адабий ўйлар, мақолалар. Т. Адабиёт ва санъат, 1987., 263-бет).

Бу ўринда, албатта, танқидчи қисса билан, ундаги тасвир усулининг ўзига хослиги билан боғлиқ объектив мулоҳазаларнинг маълум бир қирраларинигина ёритган. Иброҳим Гафуров қиссанинг дастлабки вариантидаги баъзи камчиликларга тўғри шаъма қилади. Дарҳақиқат, «Ойдинда юрган одамлар» қиссасидаги қахрамонлар дастлаб конкрет муҳитдан бир қадар ажралиб қолгандай туюлган эди. Ёзувчи қиссага доир фаолиятини яна давом эттиради ва уни қайта ишлаб, камчиликларни бартараф этади.

Хар қандай адабий асар мунаққидлар. адабиётшунослар таҳлил доирасига тушиши мумкин. Айрим ёзувчилар танқидни бегубор қабул қилади, асарини ўзга нуқтадонлар нуқтаи назари билан қузатиб кўради. Баъзилар камчилигини сезса-да, асарни қайта ишламайди. Қайта ишлаш тажрибаси юксак иқтидорли ижодкорлар тажрибасида ҳам қузатилган. Тогай Мурод «Ойдинда юрган одамлар»ни яратиш жараёнида шу ҳолатни бошидан кечирди. Қиссанинг баъзи камчиликлари ўз вақтида, муҳокамалар жараёнида кўрсатиб ўтилган эди. Масалан, қиссадаги давр масаласида ёзувчи айрим чалқашликларни сезмаган. Асар маълум муадат қайта кўриб чиқилгач, янада яхшироқ сифатларга эга бўлди. Эндиликда у аввалгидан ўқимишлидир. Ёзувчи Пиримкул Кодиров шу воқеалар тўғрисида ёзган:

«Хайрихоҳлик билан айтилган танқидий фикрлар Тогай Мурод учун катта бир сабоқ бўлди. Ёш адиб бу танқиддан тўғри хулоса чиқариб, «Ойдинда юрган одамлар» қиссасини қайта ишлади, гоёвий акцентларни ўз ўрнига қўйиб чиқди, эскирган урф-одатлар, нотанқидий тасвирланган жойларни қискартирди, янги замонга мос деталлар ва чизгиларни қўпайтирди. «Ойдинда юрган одамлар» қиссасининг журнал вариантида давр, замон ноаниқ тасвирланган эди... Қиссада эллигинчи йиллар билан йигирмачи йиллар қоришиб кетганини муаллиф ҳам танқидий мулоҳазалар натижасида сезди ва бу нуқсонни тузатиб чиқди» (Пиримкул Кодиров. Тогай Мурод қиссалари. Сўнг сўз. Т., 1985., 156-бет).

«Ойдинда юрган одамлар»нинг эндиги, охириги вариантини ўқиш янада марокли. Реаллик янада тиниклашган, қахрамонларнинг жой-макон ва вақт-замонга кўра хатти-харакатлари ишонтирарли. Мавҳумликдан нишон-аломат йўқ. «Ойдинда юрган одамлар» ниҳоятда оддий, аммо мазмунида қандайдир рамзий ишораси бўлган лавҳа

билан бошланади. Адирда ёнбошлаб ётган бобо момога карата: «Кулок сол, момоси, кулок сол, каердандир одам овози келяпти», дейди. Улар кулокларини еллар елаётган тарафга тутадилар, бобо овозни аник эшита олмагач, ўнг кафтини кулоги сиртига тутиб елпана килади. Чукур тин олиб, ойдинга тикиладилар. «Манов ёкдан, шекилли. Момоси, вақтинг хушми? Эсон-омон юрибсанми? Тўрт мучалинг бутми... ? ».

«Сийрак адир» кенгликни, ўзимизга жуда таниш миллий-махаллий манзарани тасаввур килдиради. Бобо нега одамларни сўраяпти? Улар такдирида «одамсизлиқ», одамга зорлик бор экан — буни кейин англаб, хаяжонланамиз. Нега улар бор вужудларини бериб, интизорлик билан сукунатга кулок

тутадилар, нечун одам овози эшитилгани рост бўлиб чикмайди — бунинг маънисини кейин очилади. Нима учун улар ойдинга тикиладилар. Ойдин — ёруглик, ёп-ёруг томоннинг ўзига хос рамзлари бор. Ойдин —бу умид, умидворлик, ойдин —булар мухаббатининг ёки калбларининг ойдинлиги ва бегуборлиги. Бобо нима учун ёнидаги кампирдан соғлигини суриштиради. Энди кўришганми? Демак, улар хаётида айриликлар бор. Бобо нима учун бунчалар меҳрибонлик билан камшфининг соғлигини сўради. Демак, такдирда айрилик, ажримлар бўлган бўлса ҳам, улар ўртасида самимий нимадир бор. Айрилик шу нимадирни кучайтирган. «Кандайдир» рамзийликнинг шу каби серкирра мохияти воқеалар давомида ўқувчига англашилиб боради. Шу лавҳадан кейин воқеалар бевосита жонли воқелик тасвирига кўчади. Айрим жумлалар воқеаларнинг 30-йилларда бўлаётганидан дарак беради. Совчиларнинг келиши, тўй жараёни воқеалари энди сизни сюжетга бутунлай махлиё килади.

Коплон билан Оймомонинг меҳрга тўла муносабатларини, уларнинг рухиятлари, ифбат-хаёлларини тасвирлашнинг ёзувчи табиий йўсинини топа олган. Тўғридан-тўғри ишкий мулоқотлар китобхонларни анча бездирган. Хўш, ёзувчи қандай ифода йўлини танлаган? У қахрамонларини гоҳ хаёлан, гоҳ бевосита гаплаштиради, уларнинг муносабат тарзларини фикрлардаги тағмаънолар аён килади.

«...Тоглар кулранг, кирлар кулранг, арчалар кўм-кўк. Адирлар ўркач-ўркач, ёнгоқлар азим-азим, това тошлар улкан-улкан. Бир киз елкасида кўза кўтариб, булокка келяпти. Ана кўзасини ерга кўйди. Булок сувларида юзини ювди. Сувда бир отликни кўрди. Рўмоли билан юзини яшириб, хаёланди.

- Кўзларингни яширма, Оймомо.
- Кетинг-кетинг, одамлар кўради.
- Булок сувларидан ичайин деб келдим...
- Ичган бўлсангиз, энди кетинг.
- Кўзларингни бир кўрай деб келдим.
- Кўришга менинг кўзларимдан ўзгаям кўзлар кўп.
- Йўк, хар кимнинг ўз кўзлари бўлади, сенинг кўзларинг -меники. Майли, энди келмайман.
- Кўзларни деб келмасангиз ҳам, булок суви ичгани келинг...» Талай асарларда севишганларнинг очикча гап-сўзлари кўп. Улар кўпинча қахрамонларнинг ички-рухий ҳолат-туйгуларини чинакам ифода кила олмайди. Тогай Мурод қахрамонлари—ўзига хос

иффатли одамлар. Шевага хос муносабат тарзида ҳам уларнинг миллий-махаллий жихатидан жонли эканлиги таъминланади. Баъзи вилоятларимизда аёл ўзига танмахрам эркакни-эрни исми билан ёки исмига «ака»ни кўшиш билан атамайди. Асарда шу хол кахрамонлар киёфасини тиниклаштиради:

« — Гапир.

— Ўзи гапирсин.

— Сен гапир.

— Ўзи гапирсин-да.

— Нимани?

— Ўзимизнинг окшомларни, кирдаги бугдой ўримини.

— Сен гапир, кирдан кайтганимизда зардоллар остида тўхтаб, сенга зардоли териб берганимни.

— Ўзи гапирсин, кўллари зардоли шохларида бўлсаям, кўзлари менда эканини.

— Сен гапир, шамолда рўмолинг учи кетгани, мен ушлаб келганимни.

— Ўзи гапирсин, рўмолга узатган билагимдан маҳкам ушлаганини, йиглайман десам-да, кўйиб юбормаганини».

Тўй тасвиридан ташкари ходисаларда ҳам ёзувчи хосликни муваффақиятли давом эттиради. Бир окшомда «кайлик ўйини»га борган Коплоннинг рухияти тасвирланар экан, Коплоннинг, Оймомонинг самимият ва фазилатлари, атроф-мухит манзаралари кўшиб ифода этилади. «Болалар шувиллак чалабериб, сибзик чалабериб» кулоқларни битирган кун, кизларнинг халинчак учиши кабилар бош мақсад ва гоёга, кечинмаларни юзага чиқаришга кулай воситалар бўлиб воқеалар ривожига ўрнашади.

« — Отини нима кўямиз?

— Барчиной.

— Сен хали...

— Киз яхши-да. Менга ёрдамчи бўлади.

— Йўк, ўгил бўлсин. Отини ҳам ўйлаб кўйибман. Хушвакт.

— Сўнг?

— Сўнг уни катта киламиз. Уйлантириб неварачевара кўрамиз. Мен бобо бўламан, сен момо бўласан.

Кайлиги завкланиб кулди.

— Мен бу кишини боваси деб чакираман.

— Мен сени момоси деб...».

Бахшиёцалик ёзувчи нуткида ҳам ҳукмронлик килади. Асарнинг ўқилишини, тасвирнинг тушунилишини, жозибдорликнинг кучайишини таъмин этади. Тандир тўла нонлар ёпилиши, келин бисоти, юк-ёпларининг отларга ортилиши, болаларнинг отларга мингашаман деб жанжал қилишлари, баъзиларининг йиглаб қилишлари, келиннинг гулхан атрофида айлантирилиши, таъзим қилдирилиши, чимилдикдаги анжомларнинг кўринишлари тасвирларини муаллиф жуда завқ билан, киска-лўнда, бегубор чизади. Шу жихатдан келиннинг узатилаётгандаги йиглашига бағишланган автор нутки характерли:

«У йиги бошлади. Буни ўз уйини тарқ этаётганидан, кариндош-уруғларидан олислаб

кетаётганидан десак-да бўлади. Акаси, янгаси, жиянларининг кўнгли учун десак-да бўлади. Ё акам билан янгам биздан кутулишга зорманда экан, демасин деган андишаданми? Шундан десак-да бўлади. Ё кўёвникига бораётгани кувончи, хушвақтлигиданми? Айникса, шундан десак-да бўлади!».

Ёзувчи кахрамонлари рухиятини очишда, хусусан, кечинма-хаёлларини чизишда санъаткор. Ортикча тафсилот, баёнлардан йирок. Уларни ўринли сўзлатади, халкона гапиртиради ва андишаларини мухитнинг бўлиши мумкин бўлган табиий ходисаларидан келтириб чиқаради. Коплон билан Оймомо фарзандсизлик доғида не кўйга тушишлари «зарур»дек туюлса, шуларнинг барида ёзувчи уларни «синаб» кўради. Коплон — самимий, покиза инсон. Адолатсизликка тоқати, галамисликни кўрарга кўзи йўқ. Хаётда бундай одамлар халқнинг манфаатини ўз ташвишларидан устун кўйиб яшашади. Хеч нарсадан тап тортмайди. Аммо чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бундай характерларнинг ҳам хилма-хил бўлишини фахмлаш унчалик кийин эмас.

Бу кайфиятнинг Коплондаги кўриниш тарзи қандай бўлиши мумкин эди? Коплон эгри хулкли бўлмиш котибнинг килгиликларини аниқ билади. Уни аягиси йўқ ва аямайди ҳам. Аммо бемалол, ошқор унга қарши бориши мумкин бўлган Коплон нега дадил ҳаракат қилмайди? Унинг кам фаоллиги кечиримли ва шу кечиримлилик унинг образини янада жонлантириб юборади. Коплоннинг ўз хаёлида ундан тили қисик, андишали жойи бор. Бир ўринда тегирмон тортишдаги навбатга эътибор қилинмаганлиги ҳақида ва котибнинг қиёфаси ҳақида хаёл суради. Билганини элга жория қила олмайди. Ёки шаштидан баъзан қайтади. «Исмаат мироб Мамат билан тегирмонда навбат таллашиб, бечорани қандай хўрлади? Йигирма йилдан бери аёлингни тугдиролмайсан-у, ўзингни эркак санайсан, сен... деб сўқди. Бундай гапни эшитгандан кўра ўлган яхши. Мен котибни сотсам, эшитиб қолиб, кўпнинг олдида халигидай гапларни юзимга солса-чи? Ундайлардан ҳар бало келади. Яхшиси, хали-хазир тилимни тийганим маъқул. Хушвақт ўғлимиз дунёга келсин, ундайлар билан гаплашишни ўзим биламан!..» деб ўйлайди Коплон.

Тогай Мурод бир қиссасини «Кўшиқ» деб номлаганда ҳам асарининг оҳангини назарда тутган эмас. Ваҳоланки, қиссалари оҳангига кўра ҳам халкона кўшиқлар мисоли таассурот билан ўқилади. Айникса, «Ойдинда юрган одамлар» кўшиқдек. Бу қиссани шартли равишда қатта бир халкона «Кўшиқ» деб атагингиз келади. Бу оҳанрабо оҳангни адиб асарнинг бошидан охиригача мохирлик билан авжлантириб боради. Кўшиқ сеҳрини вужудга келтирган воситалардан бири ҳеч шубҳасиз сўз, ибора, жумла ва тасвирдаги ўхшатиш, шеърий санъатларнинг насриёна кўринишлари ҳамда изчил тафсилотларнинг такрорларидир.

Услубий хосликнинг турлича мисоллари кўпайиб боради. Келин (Оймомо)нинг йиглашини нималарга йўйилгани тасвири, бу йўйишдаги автор нутқининг такрорлари нақадар файзли! Ёки асар кахрамонларининг тугёнлари, хаяжонларига муносиб тонг тасвирини олиб қарайлик: Коплон амақимиз аёлининг жавобини беради. Сўнгра-чи? «Эслаш кўшиги авжига чикди: — Ха-а-ай-ай-ай...» Сўнгра-чи? «Кўришув кўшиги поёнига етди. Кўшиқ ёввойи дарахтлар остида, эски сўқмоқларда қолди». Кейин-чи? «Алвидо кўшиги авжида! Кун тонгни ёқиб юборди...» «Алвидо кўшиги қиёмда... Амақимиз алвидо кўшигини

бекаму-кўст айтди. Умрида илк бор кўшигида сўз ишлатди... Амакимиз алвидо кўшигини бригадаларга бўлинаётган меҳнаткашларга караб айтди. Меҳкашларни биттадан байт билан кузатди. Меҳнаткашлар ишларига кўшикли бўлиб кетди».

«Бу—хайрлашув кўшиги, алвидо кўшиги! Тонглар бепоёнди, бепоён! Олис-олис уфкларда тонг. Боботог чўккисида тонг. Дегрез сув омбори узра тонг. Кишлок устида тонг. Богларда тонг. Терак учларида, баргларида тонг. Гала-гала чумчуқлар парвозида тонг. Куйловчининг соколини, жийроннинг ёлларини силаётган салкин саболарда тонг. Кўшикда-да тонг!»

Асарда воқеалар ривожини миллий анъаналарнинг аниқ муҳитга мансуб бўлган кўринишларини такоза қилади. Тоғай Мурод бу талабни етарли ҳис этади. Маҳаллий урф-одатларни тасвирлайди. Халқ шеър-кўшиқлари кассага яна кўпроқ теранлик бахш этади. Шундай саҳифалардан бири «келин салом» воқеалари тасвиридир. Кайвони момо келинни тўйловчиларга кетма-кет салом бердиради.

«Байтлар кайвонидан, таъзимлар келиндан бўла берди:

Козонларнинг копкоги,

Аёлларнинг оппоги,

Мисли олма ёноги —

Гулсун опамга салом!..»

Даврада ўпқаланганларга ҳозиржавоб кайвони момо ҳазилнамо байтлар тўкиб ташлайди ва кулги кўтарилади:

«Тегирмоннинг новидай,

Адрас тўннинг богидай

Дароз акамга салом!..

Копга тиккан похолдай,

Индан чиккан шokolдай

Чўпон акамга салом!

Бўлди кулги.

— Кай уккагарнинг момоси-е, бекор ўпқалабман-а!»

Яна ибратлики, муаллиф воқеалар тасвири мобайнида асарнинг асл мақсад-муддаосини, мавзу-муаммосини эсдан чиқармайди. Бу нарса табиийликни кучайтиради. Оймомо уй-рўзгор ишлари билан банд. У сигир соғади. Коплон молларига қарамоқда. Сигир, кўй соғиш кўпинча кишлокларда кўшиқ билан амалга ошади. Лекин кўшиқ ҳар «ижрочи» дардини янгилайди ҳам. Бу психологик ҳаққониятни Тоғай Мурод синчковлик билан илғай билган. Оймомо билан Коплонни шу дамларда ҳам фарзандсизлик доғи-дардлари тарқатган эмас! Қилаётган завқли турмуш ташвиши, юмуш такозасига кўра сигирга айтаётган кўшиги-хиргойиси ўз кўнгилларига маҳзунлик солиб кўяди. Негадир халигача тугилмаётган Хушвақтини эслатади, ўксиниб пинхона йиглашга мажбур қилади. «Опамиз совликни соға бошлади:

Эсли молим, оқилим, турей-турей,

Елкамдаги коқилим, турей-турей.

Шунча молнинг ичида, турей-турей,
Богда очилган гулим, турей-турей...

Совлик ийди. Кўзисига тумшик чўзди. Акамиз кейинга тисарилиб, кўзини холислатди.
Акамизнинг кўнгли Зирён бўлди. Соколи селкиллаб, Хушвактнинг ишигаям ўзи юрибди...

Кўй ичида корасан, турей-турей,
Акллисан, доносан, турей-турей.
Агар боланг олмасанг, турей-турей,
Бозорларга борасан, турей-турей...

Опамиз туриб, имо килди. Акамиз кўзини кўйиб юбориб, опамизнинг изидан юрди. Уйга кириб, ўзини кўрпачага ташлади. Ёстик хўл бўлди.»

Икки кахрамоннинг дард-изтироби тадрижи тобора чукуррок очилиб боради.
Мушкулликнинг кўламини сахифаларни ўкиган сайин аниқроқ идрок эта борамиз.
Оймомо билан Коплоннинг дарди-доғи бизга кўча боради. Уларга хайрихоҳ бўламиз,
меҳрибонлик килгимиз, ёрдам бергимиз келади. Бехад ачинамиз.

«Ховли юзидаги сўрида ётган Оймомо опамиз сесканиб уйюнди. Кораялангбош туриб ўтирди. Болишда ёйилиб ётган рўмолини ёпинди. Тиззаларини кўрпа сиртидан кучоклади. Уйкули кўзларини укалаб, теваракка аланглади. Ой коронги, юлдузлар сийрак. Хамсоёси Хожарнинг гўдаги бигиллаб йиглапти. «Келиб-келиб шу махалда йиглаганини. Кўргани ўгилми, киз? Киз! Босмалим ўйнади-ку...

Эснаб, мингиллади:

— Киз бўлсаям майли.

Кабатидаги акамиз уйғониб, ўгирилди:

— Нима бало, эловраяпсанми?..

Опамиз ётиб, кўзларини юмди. «Хали тонг олис. Тушимнинг охирини кўраман. Шунда кизимнинг отини билиб оламан...»

Киссада кахрамоннинг хаётий, жонли киёфаларини хар томонлама далиллайдиган холатлар анчагина. Холатлар тасвирлари бир-бирини давом эттиради, мантикан бир-бирини тўлдиради, фарзандсизлик туфайли чекилаётган изтироб-аламларнинг нақадар узликсиз, мудхишлигини хис эттиради.

Маълумки, образларни кўп сонли кигобхонлар кахрамонларига айлантириш хар қандай ёзувчининг максоди. Ёзувчи шу ниятда ижод килади. Бунинг уддаскдан чиқиш осон эмас. Ёзувчилар ўзлари учун севимли бўлган образларни ўқувчилар учун севимли қилишнинг турли-туман воситаларидан фойдаланади. Кахрамонининг характерини миллий жихатдан ишонарли қилиб яратишга тиришади. Уларнинг хар бир хатга-харакати китобхонда шубҳа, эътироз ёки жозибасизлик аломати тугдирмаслигига эришишни хаамиша эсдан чиқармасликка интилади. Ёзувчи хатгоки ўзининг меҳрини яшириш-яширмаслик имкоъшятларини ўринли меъёрлаштириши керак. Адабиёт асарлари оламида бу холатнинг хилма-хил тажрибалари бор. Хар қандай усулда хам ёзувчи махоратли эканини кўрсата олса, максадига эришиши мумкин. Баъзи адибларда

ёзувчининг ўз севимли кахрамонига айрича мухаббатини кўрамиз. Абдулла Кодирининг Отабек, Кумуш, Зайнаб, Анвар, Раъно образларига мехрини сезиш кийин эмас. Бу—шу йўналишнинг ўзига хос юксак намунаси. Шукур Холмирзаев ижобий кахрамонларига бефарқдек, холисдек. Ўқувчи яхши-ёмонни ўзи ажратиб олади-да, дегандек.

«Ойдинда юрган одамлар» киссасида Тогай Мурод тамоман бошка йўл танлайди. Оймомо ва Коплон исмларй кам тилга олинади. Айникса, Коплон деган исмни китобхон кам учратади. Натижада Коплон исми китобхоннинг хотирасидан кўтарилишгача боради. Лекин бош кахрамонларнинг—Оймомо ва Коплоннинг киёфаларини бизга янада жонлантириб кўрсатадиган, нафакат хаётийлантириб турадиган, балки якин кадрдонларимизга айлантриб юборадиган бошка воситалар бор. Тогай Мурод уларни гоҳ «опамиз», «акамиз» деб, гоҳ «опамиз», «амакимиз» деб, гоҳ «бобомиз», «момомиз» деб тасвирлайди. Бу услубий жихат ўқувчини ўзига хос койил килади: даврлар ўтаётганлиги, кахрамонлар ёши улгая бораётганлиги, улар дардлар изхорининг хам ўзгачалашиб бориши англана боради. Бундаги жараёндан яна ёзувчи услубига хос ўз ардоги, мухаббатини, кахрамонларини ўқувчига севшсли килишдек эзгу ниятини пайкаш кийин эмас. Коплон билан Оймомони ёзувчи хамрохлигида китобхон опамиз ёки акамиз, бобомиз ёки момомиз билиб кузатиб боради. Мана шундай лавхалардан бири:

«Бобомиз кафти билаи ковжирок хасларни пайпасладилар. Момомиз шу ёнида ўтиришлари лозим. Озиш панжаларини хавода очиб юмдилар. Ой сузилиб бокапти.

— Эсингдами, момоси, ўшандаям ой ёруг эди. Мен жийронни жилдириб келайин, момоси. Сен ўтириб тур. Кўркмайсанми ўзи?

Бобомиз адирдан эндилар. Арикдан хатлаб, йўнгичкапоя оралаб юрдилар».

Момонинг ўлимида кўни-кўшнилар, хамсоялар, кишлокдошлари «энамов», «холамов», деб йиглашади. Бу биз учун хам мудхиш айрилик бўлиб туюлди. Ёзувчининг, у тасвирлаётган одамларнинг нуктаи назарига бизнинг туйгуларимиз кўшилиб кетади. Ёзувчи кахрамонини кутилган даражада кадрдонлаштириб улгурган эди.

«Ховли одамга лик тўлди. Катга-кичик, ёшу қари — бори келди.

Осмондага кирк юлдуз Киялаб кетади ботгани. Вой, момомов-в, момомов-в. Мен момомни бир ўпай, Киёмат кетади ётгани, Вой, момомов-в, момомов-в!

«Момомиз сўнгги манзилга покизагина бўлиб, оппок сурпга ўралиб жўнадилар.

Тобутгаям ок сурп ёпилди. Тобут одамлар кафтида калкиб-калкиб жўнади. Одамлар тобутга талпинди. Бари тобутни беш-олти одим кўтариб бориш, акалли кўлини тегизиш пайида бўлди. Ниятига етганлар бурчини бажарган бўлиб, тобутга эргашиб борди».

Коплон билан Оймомо самимий одамларнинг ардогига сазовор бўлишади. Улар ўзаро мехр-окибати, одамларга бўлган самимиятлари, мехнаткашлиги, халқпарварлиги, халолликлари, дард-изтароблари туфайли элнинг севимли кишиларига айланиб колишади. Шунинг учун уларга ўзларини якин олганлар момонинг ўлимидан кейин ўзларини азадор хисоблашади. Бу асардан тугиладиган китобхон хаяжонини янада кучайтиради. Шу жихатдан адир айланиб юрган болалар сухбати эътиборга лойик:

« — Энам қора кийиб юрибди.

— Менинг энам хам. Отам бир куни янгарок кийимини кийиб шаҳарга бормокчи бўлиб эди, энам уришди, одаммисиз ўзи, деди.

Отам фаросатсизлигидан ўзиини койиб, яна кора кийди.

- Биз ҳам кора кийимларимизни кийиб юрибмиз.
- Энам такинчоклариниям сандикка солиб кўйди, укаларим окшомлари ашула айтиб ўйнарди, энам уриттди. Азалимиз, бованг эшитиб колса, нима деган одам бўламиз, деди.
- Энди момомизнинг кирки ўтгунча шундай бўлади...
- Момомизнинг вафоти куни сен ҳам йигладингми?
- Бўлмасам-чи. Уни айланиб, момолаб йигладим...
- Мен энамлаб йигладим».

Тогай Мурод дастлабки асарларидаёқ элнинг назарига тушиб, адабий жамоатчиликда унинг ижодига кизикиш пайдо бўлди. Сафдошлари орасида ўзига хос бўлди. Таникли ёзувчи Одил Ёкубов носирларнинг ижодлари хакида ёзиб, шуларни таъкидлаган эди: «Мен Эркин Аъзамов хакида гапирдим, ўйланиб колдим. Бугунги ёшлар ижоди хакида ёзиш хакикатан ҳам осон эмас экан. Бундок ўйлаб карасам, илк хикоя ва киссалари билан тилга тушиб колганлар мен ўйлагандан хийла кўп экан. Хакикатан, бутунги ёш носирлар тўгрисида фикр юритганда Хайрақдин Султонов билан Тогай Муродни, Ориф Фармон, Нортўхта Киличев, Сотволди Ражабовларни четлаб ўтиш адолатдан бўлмас. Айникса, Хайриддин Султоновнинг ёшларга хос ёруғ туйгуга йўгрилган хикоялари ва Тогай Муроднинг ўзига хос тил ва ўзига хос услуб билан битилган «Юлдузлар мангу ёнади» киссаси диққатга сазовордир» (Адабиёт ва замон. Маколалар, адабийўйлар, сухбатлар, 1981, 36-бет).

Ёзувчининг махорат белгиларини кўрсатиб турадиган томонлар «Ойдинда юрган одамлар» ва бошка киссаларида анчагина. Кахрамонлар меъёрий даражада ўз шеvasида гапиришади. Албатга, шева сўзлари оркалигина миллий колорит ва жонлиликни тўла таъминлаб бўлмайди. Шунингдек, бунда муайян мўлжалу меъёрни билиш ва унга амал килиш керак бўлади. Йўкса, китобхон зерикпш, хаддан ортиклик унинг ШЦКГйтепшга мумкин. Тогай Мурод асарлари бу масалада ҳам ибратлидир. Халкона сўзлашув, сода, алик ва кискалик, маколлар ва иборалар, буларнинг ниҳоятда ўринли кўлланишлари ёзувчининг киссаларига бетакрор латифлик багишлаган.

Тогай Мурод услубининг яна бир ўзига хос томони автор тили билан боглик. Ёзувчи воқеаларнинг мохияти-охангига мос равишда ифода тилини топади. Кўпинча лўнда, киска, равон, содда жумлаларда хикоя килади. Баёи ёки ортикча тушунтиришлардан йирок. Унинг ифодасидаги сўзлар, иборалар, фикрларнинг маълум такрорлари кўзланган мақсад-мохиятни кучайтиришга йўналтирилади. Тогай Мурод асарларидаги ҳамма фазилатлар ажойиб бир охангни — бахшиёна охангни вужудга келтирган.

Тасвир изчиллиги айни чокда Коплон характеридаги кечинма ривожига жуда-жуда уйгундир. Ажралиб-ажрала олмаслик замири интихосида эса синалиб келаётган меҳр-мухаббат бор бўлиб чиқади. Тогай Муроднинг теран ифода кобилиятини, ёкимли услубини яккол кўрсатиб турадиган киссалари элнинг ардогида колди, адабиёт намояндаларининг эътирофини козонди. Бунинг бир жихатини шоир Сирождин Саййид бир шеърида шундай ифода этган:

Бу болалар гурур бор деб олишади,
Пул учунмас, номус, ор деб олишади,

Амир Темур кони бор деб олишади,
Ори йўқлар ушбу элга ўғлон эмас.

Алпомишдан мерос колган жуссаларин,
Кўриб дилдан кетгай бор-йўк гуссаларинг,
Сўйлаб юрар Тогай Мурод киссаларин,
Уйлари хам эл катори, кўргон эмас!

Тохир Шермуродов
2000 йил